

Ҳашар-элга ярашар

Маълумки ҳалқимиз маънавиятида, қадрятларида бошқа ҳалқлар ўрганса ва ўз тажрибасида қўллашга арзийдиган кўпгина ибратли тажрибалари мавжуд. Масалан, ҳашар деб аталган тадбир кўпчиликни бирдамликка, аҳилликка ва меҳр-оқибатга ундаши билан ажralиб туради. Мазкур тадбирда ёшу-кекса отахонларимиз иштирок этиб, фарзандлару, набираларга ҳалқимиз маънавиятида, тарихида бир неча юз йилликлардан бўён эъзозланиб келинаётган урф-одатлар, қадрятларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар берадилар.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 10-мартдаги 96-Ф-сон фармойиши ижросини таъминлаш ҳамда «Наврӯз» умумхалқ байрамини муносаб нишонлашга тайёргарлик кўриш, ҳалқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, таълим муассасаларида ва ташкилотларда ободонлаштириш, кўкаlamзорлаштириш ва худудларда санитария ҳолатларини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг 13-март куни юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари куни деб эълон қилинган.



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультетида ишчи ходимлар, маъмурият ва профессор-ўқитувчилар, талабалар қамишдан бел боғлашиб ободонлаштириш ишларига киришиб кетишиди. Ҳашар-элга ярашар дейишади, шаҳар ва туманларимиз, маҳалла ва уй жойларимиз, таълим масканларимиз тоза, озода, покиза бўлса қалбимиз ёришади, оиласиз файзу барокотга тўлади ва жамиятиимизда соғлом турмуш тарзи барпо бўлади. Барча ҳашарчиларга ҳорманг деб қоламиз!

**“Қишлоқ ва сув хўжалиги
энергия таъминоти” факультетининг
бош мураббиии О.Назаров
ТИҚХММИ матбуот хизмати**